



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 164 (10.217)

2004 йил 25 АВГУСТ

ПОЙТАХТНИНГ Дир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Давлат санъат музейида Маданият ишлари вазирлиги ташаббуси билан «Рассом рассом нигоҳида» мавзусида бадиий кўргазма очилди.

● **ЯККАСАРОЙ** туман Ўқувчилар ижодиёти марказида БУГУН 7-14 ёшли чевар қизлар ўртасида каштачилик, пазандалик ҳамда бисер тикиш бўйича мусобақа ўқотирилди.

● **ЭРТАГА** «Дилдор» фирмасида ташкил этиладиган кўрик-танловда иштирок этадиган болаларнинг расм чизиш ҳамда дизайнёрлик бўйича салоҳиятлари қай даражада эканлигини ҳакамларга намойиш этилади. Ушбу кўрик-танлов Истиклолнинг 13 йиллигига бағишланади.


● **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги «Қоратўш» маҳалла гузаридида маҳалла фаоллари иштирокида бўлиб ўтган тадбирда жорий йилнинг март ойида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик ҳаракатларининг салбий оқибатлари ҳамда хавфсизликни таъминлашда ҳамжиҳатлиқ бўлиб ҳаракат қилиш ҳақида сўз борди.

● **ЧИЛОНЗОР** туман ҳокимлигида туман фаоллари иштирокида ўтказилган тадбир «Мустақиллик, аёл ва маънавият» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

Маҳаллалар шароитини яхшилаш, аҳолига ҳар томонлама шарт-шароит, қулайлик яратиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан қабул қилинган «Тошкент шаҳрида «Маҳалла кўни» тадбирини ўтказиш тўғрисида»ги қарорга асосан ҳар йили анъанавий тарзда «Маҳалла кўни» катта байрам сифатида ўтказилиб келинади. Йил давомида қилинган ишлар сарҳисоби сифатида кўрик-танлов ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирланади.

Маҳалла кўни



ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида «Маҳалла кўни» тадбири катта тантана билан нишонланди. Унда шаҳримиздаги 452 та маҳалладан нуроний, кекса отахонлар, маҳалла оқсоқоллари, фаоллар иштирок этдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Уткир Хошимов, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихсатилла Ақромовлар «Маҳалла кўни» билан барча йиғилганларни муборакбод этдилар, буюк қадриятларимиз, тинчлик-тотувлик маскани бўлиш маҳаллаларда олиб борилаётган хайрли ва эзгу ишларида омадлар тиладилар.

Сўнг танлов ғолиблари эълон қилинди. Чунинчи, Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров маҳалласи мутлақ ғолиб деб топилди. «Энг обод маҳалла» номинацияси ғолиби эса Собир Раҳимов туманидаги «Чигатой Октепа» маҳалласи бўлди. «Энг ибратли маҳалла оқсоқоли» йўналиши бўйича эса Собир Раҳимов туманидаги Қомилжон Гофуров номи маҳалла оқсоқоли Баҳодир Собиров, Юнусобод туманидаги Ғуломмахмуд Абдуллаев маҳалласи оқсоқоли Қобил Зокиров, Сергели туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласи оқсоқоли Худойберган Абдуманно-



повлар ғолиблар сафиди бўлишди. «Энг фидойи маҳалла посбонлар сардори» танловида Акмал Икромов туманидаги «Ўзар» маҳалласи сардори Марат Қосимов биринчи ўринга, Сергели туманидаги «Қипчоқ» маҳалласи сардори Рустам Султонов иккинчи ўринга муносиб деб топилди. Барча ғолиблар Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Маҳалла» жамғармасининг Фахрий ёриқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

— Бизнинг озми-кўпми қилган хизматимиз муносиб тақдирланганидан юрагимиз фахрга тўлди, — дейди «Энг обод маҳалла» танлови ғолиби «Чигатой Октепа» маҳалласи оқсоқоли Хайрулла Мўминов. — Бундан кейин ҳам мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, маҳаллаларимизни обод ва ораста, тинчлик-хотиржамлик масканига айланиши йўлида ўзимизнинг бор куч-гайратимизни аямаймиз.

Тадбир давомида Ғуломжон Ёқубов, Азизбек Олимовлар каби эл севган хонандалар ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганлар дилини хушнуд этди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: «Маҳалла кўни» тадбирдан лавҳалар.
Сергей Любич олган суратлар.

XXI саҳоси

Барча маълумотлар
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Кеча Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмиталари ҳамда Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

● Мустақиллик байрами арафасида Хоразм вилоятида иккита — «Боготтектиль» ва «Шовоттекс» қўшма корхоналари ишга туширилди. Ип газлама ва трикотаж маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган ушбу қўшма корхоналарда 500 нафардан зиёд киши янги иш ўринларига эга бўлди.

● «Ўзэкспомарказ» савдо кўргазмалар марказида юртимиз Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» номи кўргазма-ярмарка ўз ишини бошлади.

● Попадаги яқинда фаолият бошлаган «Исковуттекс» Ўзбекистон—Швейцария—Туркия қўшма корхонаси томонидан байрам арафасида 120 тонна ип экспорт қилинди.

● Кўшработ туманидаги бешта мактаб Осий Тараққиёт банкнинг грантини қўлга киритди ва ушбу маблағ ҳисобига ўқув масканларида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

● «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ташаббуси билан Каттакўргон туманидаги Дамхўжа сув омборидан туман маркази — Пайшанба кўрсонигача 10 чаккирлик масофага сув қувурлари тортиб келинди.

● Ғузур туманидаги Чанок қишлоғида замонавий болалар спорт мажмуи фойдаланишга топширилди.

Жаҳонда

● Россия Пхеньян ўз ядровий дастури юзасидан Вашингтон билан ҳар қандай музокаралар олиб боришдан бош тортганини билдирди.

● Эрон маъмурлари Россияга янги атом реактори қурилишида иштирок этганини тақдир қилишди.

● Япония жанубида рўй берган «Аэро» тўфони оқибатида бир неча киши ҳаётдан кўз юмди. Окинава ва Когосима шаҳарларида қучли шомол аралаш ёғайтган ёмғир ер қўчиқларига сабаб бўлмоқда.

● Seiko Epson корпорациясида ўтган йили яратилган янги митти робот-вертолётнинг тақдироти бўлиб ўтди. Мустақил ишлай оладиган янги қурилмада рақамли видеокамера ўрнатилган бўлиб, FR-II митти роботнинг оғирлиги бор-йўғи 12,3 граммга тенг.

ҲАМЖИҲАТЛИК — ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК АСОСИ

Пойтахтимизда «Ҳамжиҳатлик — улугъ неъмат» мавзусида адабий-бадиий анжуман бўлиб ўтди. Ватанимиз Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган ушбу тадбир Республика Байналмилал маданият маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилди. Анжуманда сўзга чиққанлар миллий истиклол ғоясида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек буюк мақсадлар мужассам эканини таъкидладилар. Бундай эзгу мақсадга эришиш учун юртимиз тинчлиги ва оқсоқиллигини янада мустаҳкамламоғимиз зарур. Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ана шу барқарорлиқнинг муҳим шартларидандир. Мустақиллиқнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда миллат-

лараро муносабатларда бағрикенглик, ахиллик, ҳамжиҳатлик ва тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида изчиллик билан олиб борилаётган узоқни кўзловчи сиёсат бугунги кунда бутун дунё томонидан эътироф этилмоқда.

Диёримизда яшаётган, тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга юздан ортқ миллат ва элат вакиллари давлатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишга муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Анжуманда юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари бадиий жамоаларининг концерти намойиш этилди.

ЎЗА



Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн бешинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 26 август куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 25 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 26 август куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 29-30 март ва 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида терроризм ва қўровчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланган 15 нафар шахнинг жиноят иши бўйича суд жараёни низоҳатда бўлди. Қарийб бир ой давом этган суд жараёнига Олий суд раисининг ўринбосари Б.Жамолов раислик қилди.

Дастлабки тергов органлари томонидан оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш, терроризм, босқинчилик, диний экстремизм, ўқотар қурол ва ўқдорларни босқинчилик йўли билан эгаллаш, портловчи моддаларни тайёрлаш, олиб юриш, сақлаш, контрабанда каби ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган судланувчиларга жазо чоралари белгиланганда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жиноят қонунчилигида муштаҳамлаб кўйилган инсонпарварлик ва адолат тамойиллари асосланган.

Хусусан, судланувчиларнинг қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тергов органларига сўқилган кўрсатган ёрдамлари натижасида янада аянчлироқ оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қуфдатларнинг олди олингани, шунингдек, уларнинг кўрсатмалари ашёвий далиллар, суд-тиббий, суд-криминалистика, баллистика ва бошқа экспертиза ҳудосалари, жабранувчилар, гувоҳлар, жабранувчилар вакилларининг жиноят иши юзасидан берган кўргазмаларига таққосланган ҳолда эътиборга олинди.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судланувчиларга олди жиноят ишини очик суд мажлисида кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига биноан айбдор деб топишган — Ф.Юсуповни 18 йил, М.Қазақбаевни 18 йил, М.Мирзакуловни 14 йил, Н.Қурбаналиевни 14 йил, Р.Юсуповни 15 йил-у 6 ой, А.Зулфикаровни 16 йил, Қ.Соҳоталиевни 11 йил, Ж.Нигматовни 15 йил-у 6 ой, Ё.Умаровни 15 йил-у 6 ой, Ҳ.Ишматовни 16 йил, Ҳ.Ҳамроевни 15 йил-у 6 ой, Ё.Аслановни 14 йил, Қ.Тўйчиевни 14 йил, К.Қаюмовни 10 йил, И.Тошпўлатовни 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Очиқ кўрилган суд жараёнини кўплаб хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар вакиллари кузатиб борди.

Ў.А

2001 йилнинг 25 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултоғи бўлиб ўтди. Шундан сўнг ҳар бир вилоят, Қорақалпоғистон Республикасида, шунингдек 2001 йилнинг 7 май кунини Тошкент шаҳрида ва 14-17 майда пойтахтимизнинг 11 та туманида мазкур ҳаракатнинг бўлимлири ўз фаолиятини бошлади.

Бундан ташқари жойларда ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда «Қамолот»нинг бошланғич ташкилотлари тузила бошлади. Жумладан, 2001 йилда 599 та бошланғич ташкилот тузилган бўлса, 2002 йилда уларнинг сонини 601 тага етди. 2003 йил якунига қадар эса шаҳарда жами 617 та бошланғич ташкилот фаолият юрита бошлади. Бугунги кунда пойтахтимиз аҳолисининг 285 мингдан кўпчилиги 14 дан 15 ёшгача бўлган ёшлар ташкилатига таътабган бўлса, шундан 230 мингдан зиёди, яъни 80 фоизи ҳаракатнинг фаол аъзоларидир.

Ҳаракатнинг шаҳар ва туман бўлимлари ўз фаолиятини Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланган «Тошкент шаҳрида истикомат қилувчи ёшларни она — Ватанга ҳурмат ва садоқат, муштаҳамлаб қилувчи, миллий мафкура асосида тарбиялаш, мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш ва жамоат ишларида фаоллигини ошириш юзасидан қатор йилларга мўлжалланган дастури»га мувофиқ ҳамда йиллик истиқбол режалари асосида кадрлар тизимини такомиллаштириш, уларнинг билим ва маънавиятини ошириш, илгор тажрибаларини омдалаштириш, бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш, ҳўжалик ва молиявий ишларни яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш йўли билан амалга ошириб келмоқда. Бу йўлда у Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, ҳўқуқни муҳофаза қилиш идоралари, халқ таълими тизимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Халқ таълими бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда ёшларнинг сиёсий маданиятини ошириш, ўз қобилиятини тўла намоён этиши учун шарт-шароит яратиш, юртимизда эркин демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга қўмаклашиш каби қатор мақсад ва вазифалар бўйича иш олиб бормоқда.

Бундан ташқари «Қамолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан Ички ишлар бош бошқармаси ҳамкорлигида ички ишлар идораларида профилактик рўйхатда турган вояга етмаганларни тарбиялаш, уларнинг турмуш-йўлига қўмаклашиш ва унинг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда ёшларнинг сиёсий маданиятини ошириш, ўз қобилиятини тўла намоён этиши учун шарт-шароит яратиш, юртимизда эркин демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга қўмаклашиш каби қатор мақсад ва вазифалар бўйича иш олиб бормоқда. Бундан ташқари «Қамолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан Ички ишлар бош бошқармаси ҳамкорлигида ички ишлар идораларида профилактик рўйхатда турган вояга етмаганларни тарбиялаш, уларнинг турмуш-йўлига қўмаклашиш ва унинг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда ёшларнинг сиёсий маданиятини ошириш, ўз қобилиятини тўла намоён этиши учун шарт-шароит яратиш, юртимизда эркин демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга қўмаклашиш каби қатор мақсад ва вазифалар бўйича иш олиб бормоқда.

«Қамолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими ва «Ёшлар» телеканали муассислигида 2002 йил 28 февралда «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ташкил этилди. Телеклуб ўз фаолиятини «Сиёсат», «Иқтисодиёт», «Журналистика», «Экология», «Спорт», «Халқаро таълим», «Аср ёшлари» каби гуруҳларини очиб билиш бошлади. Телеклубда шахримиздаги турли олий ўқув юртлари талабалари, шунингдек, жамиятимизнинг турли соҳаларда ишлаб келаётган ёшлар аъзо бўлишган. Икки йил давомида телеклубда ёшларнинг ҳўши- истакларига қўра кўп таъбирлар амалга оширилди. Ижтимоий-сиёсий ёки маданий соҳадаги фаолияти ва муваффақияти билан ёшларга ўрнак бўлган шоирлар Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Хур-

Ёшлар—эртанги кун бунёдкор. Шу тўғрисида ҳам келажакда ёшларнинг муштаҳам оила қуришлари учун аввало уларни ҳар томонлама оилага тайёрлаш, бу борада билимларини ошириш лозим. Жумладан «Қамолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, «Нихос ва оила» маросимлари маркази билан ҳамкорликда 2001 йилда «Оила — муқаддас Ватан» ёш оила қурувчилар мактабини ташкил этган эди. Ушбу мактаб бугунги кунда самарали иш олиб бормоқда. Оила қуриш асослари, соғлом ва муштаҳам оилани шакллантириш мезонлари, фарзандлар саломатлигида ота-она соғлиги беқийс аҳамият касб этиши каби жиҳатларни қамраб олган машғулотларни ташкил этмоқда.

Маълумки, ҳаракат ҳўмийлигини 7 ёшдан 14 ёшгача ўсимлар-

шид Даврон, Бобур Бобомурод ёки илм-фан арбоблари Абдумажид Пўлатов, Эркин Акбаров ва бошқалар билан учрашувлар ташкил этилди. Шунингдек, АҚШ, Тожикистон, Япония, Қозғоғистон элчихоналари вакиллари билан давра суҳбатлари, дебатлар уюштирилди. Ёшларни мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан яқиндан хабардор қилиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳўкимини Рустам Шоабдурахмонов, Тошкент шаҳар ҳўкимини ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фаридат Абдурахмонова, «Қамолот» ЕИХ Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев ва йирик банк-молия ташкилотлари, сиёсий партиялар, таълим вазирилик ва раҳбарлар билан суҳбатлар уюштирилди.

2003 йил давомида эса телеклубнинг халқаро мижёсда «Аф-

керакли инсон эканликларини билдирди.

Муҳлисисларнинг сеvimли кўрсатувига айланган «Заковат» интеллектуал ўйини мунтазам равишда «Бунёдкор»-да тасвирга олинмоқда. Телеклуб нафақат тележурналистика, балки матчилик ва радиожурналистикани ҳам ёшларга ўргатиб келмоқда. «Бунёдкор» аъзоларининг турли мавзулардаги мақолалари «Фидокор», «Тошкент оқшоми», «Туркистон», «Молодёж Узбекистана», «Правда Востока» газеталарида мунтазам чоп этилмоқда. «Ўзбекистон» радиоканалининг «Тошкент» студияси билан ўрнатилган яхши алоқа натижасида республикамиз ёшларининг билимини оширишга қаратилган радио-викторина жўрий қилинди. Телеклуб ўзининг «Бунёдкор» номли хабарномасига эга, унда нафақат гуруҳларнинг фаолияти, балки «Қамолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими фаолияти ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётга алоқадор тахлилий мақолалар чоп этилади.

Телеклубнинг асосий аъзолари ёшлардан ташкил топганлиги боис спортга катта эътибор қаратилган. Шаҳар мижёсда турли спорт тадбирларини ўтказиш билан бирга республика ва халқаро мижёсдаги спорт мусобақаларининг матбуот анжуманлари ҳам телеклубда ўтказилиши йўлга қўйилган. Телеклуб қўшида ташкил қилинган «Радио мактаб»да шу соҳага қизиқувчи 30 нафар ёш журналистлар тахсил олмақда. «Қамолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан ўтказилаётган «Ёшлар «Қамолот» билан» ва «Ишга марҳамат» лойиҳалари ушўқоқлик билан ўтказилмоқда. Ушўқоқлик доирасида телеклуб қўшида «Алоқа маркази» ташкил этилган бўлиб, унда ишга кириш ниятидаги ёшлар ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, ҳўзирда «Қамолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими таркибиди «Посбон», «Қамалак», «Маҳалла умидлари» ва «Зиёкор» марказлари телеклубда фаолият юритмоқда.

Яқин келажакда UNESCO ташкилоти билан ҳамкорликда телеклубда Ресурс марказининг очилиши режалаштирилган. Ушўқоқлик Республикада фаолият юритаётган ОАВларни техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашни мақсад қилиб қўйган. Телеклубда ёшлар билан кенг қамровли ишлар олиб бориш мақсадида «Аср ёшлари» гуруҳи ташкил этилган. Гуруҳ аъзолари мактаб, коллеж ва академик лицей ўқувчиларидан иборат бўлиб, унинг бутун фаолияти ёшларнинг ташаббуслиги ва муштаҳамлигига асосланган.

Олдига улкан мақсадларни қўйган телеклуб аъзолари мамлакатимизнинг буюк келажакни барпо этишда қўра бир ёшнинг ўрни борлигини ҳўс қилган ҳолда олдинга интилоқлар. Телеклуб қўшида «Лик Мира» иҳодий уюшмаси ташаббуси билан сентябр ойида «Ёшлик — олтин даврим» болалар ва ёшлар хайрия фестивалини ўтказиш режалаштирилмоқда. Муштаҳамлигимизнинг 13 йиллик байрами, талабалар кўни ҳамда «Меҳр ва муруват» йилга бағишлаб ўтказилаётган ушўқоқлик фестивал доирасида ёш муаллифларнинг «Инсон ва унинг табиати» мавзусида тайёрланган телекўрсатувлар, болалар ва ёшлар модасига қаратилган «Табиат беэаги» танлови ва «Шарқнинг ёш гўзали» деб номланган шоу-танловлар ўтказиш кўзланмоқда.


«Бунёдкор»чиларнинг энг олий мақсадлари муштаҳамлигимизни муштаҳамлашга ўларнинг муносиб улушларини қўшишдир. Эзгу ва улўқ ниятлар ҳаммаша сизларга йўлдош бўлсин, ёшларнинг сеvimли масканига айланган улғурган «Бунёдкор»чилар.

Шойра МУҲАМЕДОВА

Ёшлар — келажакимиз

ЭРТАНГИ КУН БУНЁДКОРЛАРИМИЗ

Республикамиз муштаҳамлигимизга эришганидан сўнг ҳар соҳада кенг қўламдаги ислохотлар бошланиб кетди. Хусусан, келажакимиз давомчилари бўлиш ёшларининг илмий, кенг тафаккурли, интеллектуал салоҳиятли, билимдон ва соғлом бўлиб вояга етишлари учун шарт- шароитлар яратилди. Юртбошимиз «Қамолот» ёшларнинг чинакам суянчи ва таъинчи бўлсин» дея тилак билдирган ташкилот бугунги кунда муваффақият билан иш олиб бормоқда. Ёшларнинг ҳўши иродаси асосида, уларнинг манфаатларини ҳўмия қилиш, ягона мақсад атрофида бирлаштириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қўра-ғайратлари, ақл-заковатлари, юксак истеъдод ва иқтидорларини юзга чиқаришга қўмаклашиш ниятида иш бошлаган ташкилот бугун ўз атрофида нафақат 14 дан 28 ёшгача бўлган ёшларни, балки 7-14 ёшли болаларни ҳам қамраб олган.



ни бирлаштирган «Қамалак» болалар ташкилоти фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда «Қамалак» ташкилоти болаларнинг шахсий ҳўқуқ ва эркинликларини ҳўмия қилиш, Президент ва давлат раҳбарлари сўқатли бўлиш, ўз Ватанининг муносиб фуқароси бўлиб етишиш, иш ва ҳаракатлари билан жамиятга фўйда келтиришда ёрдам беришни мақсад қилган ҳолда иш юритмоқда. Бугунги кунда пойтахтимиздаги 316 та умумтаълим мактабларида таълим олаётган 257.346 нафар ўқувчиларнинг бари, яъни юз фоизи «Қамалак» болалар ташкилоти аъзоси ҳўсбланади.

«Қамолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими ва «Ёшлар» телеканали муассислигида 2002 йил 28 февралда «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ташкил этилди. Телеклуб ўз фаолиятини «Сиёсат», «Иқтисодиёт», «Журналистика», «Экология», «Спорт», «Халқаро таълим», «Аср ёшлари» каби гуруҳларини очиб билиш бошлади. Телеклубда шахримиздаги турли олий ўқув юртлари талабалари, шунингдек, жамиятимизнинг турли соҳаларда ишлаб келаётган ёшлар аъзо бўлишган. Икки йил давомида телеклубда ёшларнинг ҳўши- истакларига қўра кўп таъбирлар амалга оширилди. Ижтимоий-сиёсий ёки маданий соҳадаги фаолияти ва муваффақияти билан ёшларга ўрнак бўлган шоирлар Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Хур-

онистон ёшларига Ўзбекистон ёшларининг тўхфаси» лойиҳаси амалга оширилди. Афғон заминдаги ёшлар билан дўстона алоқаларни ўрнатил ва у ердаги мактаб ўқувчиларини ўқув жиҳозлари билан таъминлаш мақсадида амалга оширилган ушўқоқлик жўхон оммавий ахборот воситаларида ҳам эътироф этилди.

Ёшларда инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш мақсадида хайрия ишларига ҳам катта эътибор қаратилган. Яъни, телеклуб 22-Меҳрибонлик уйи ўз оталиғига олган бўлиб, унда мунтазам равишда хайрия концертлари ва байрам дастурхонларини ташкил этади. Бундан ташқари 21-Меҳрибонлик уйи ва SOS болалар маҳалласида ҳам ана шундай саховат йўлидаги ишларни амалга оширади.

Илимизнинг «Меҳр ва муруват йили» деб номлангани, ўтган қисқа вақт давомидаги тажриба ва қўниқлардан келиб чиқиб «Бунёдкор» телеклуби 2004 йилни ўзгача режа ва катта иштиёқ билан бошлади. Иш мезонини меҳрга ташна болалар ва қўмак муҳтож қарияларимизга меҳр-окибат қўрсатиш, ватандошларимиз ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни тарғиб қилишга қаратди. Шу ўтган вақт ичида телеклуб аъзолари олтига меҳрибонлик ва нурунийлар уйларида қатор хайрия тадбирларини ўтказиб, тарбияланувчилар ва кексалар қўлидан хабар олдилар, уларнинг жамиятга

Ўз қийинлиги, ўз юртининги ўзини асра

Эркин ВОХИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири

БЕПАРВО БЎЛМА, ЖОН БОЛАМ!

Кўшинсиз, лашкарсиз ажабтовур жанг —
Гирдобиди қолди мажруҳ бу олам.
Ҳийла милтиқ бўлди, ўқ бўлди найранг,
Алданма, бепарво бўлма, жон болам!

Дунё қайта бошдан бўлмоқда тақсим,
Бир улуш тегар, деб чанг солар ҳар ким.
Озод қолсин, десанг, бу жангда халқим,
Ҳеч қачон бепарво бўлма, жон болам!

Башар забт этди-ю олис фазони,
Даф қилаолмади ерда балони.
Жаҳолат гаровга олди дунёни,
Сен бунга бепарво бўлма, жон болам!

Мустақиллик, дея кERGанда кўкрак,
Бил, Истиклол учун жон чекмоқ керак.
Тарихдан сабоқ ол, сергак бўл, сергак,
Бир нафас бепарво бўлма, жон болам

Зўрлар текин қул, деб қараган бизга,
Ерда ётган пул, деб қараган бизга,
Ополсак маъқул, деб қараган бизга,
Билиб қўй, бепарво бўлма, жон болам!

Бугун ҳам, дўстимиз, деб сайраганлар бор,
Аммо зимдан ханжар қайраганлар бор,
Зарра нотинч бўлсак яйраганлар бор,
Ҳеч замон бепарво бўлма, жон болам!

Лек зинҳор бадгумон бўлгин, демасман,
Қалбинга қулф солсанг, рози эмасман,
Тор бўлма, фақат бил, ким дўст, ким душман,
Уларга бепарво бўлма, жон болам!

Дерлар: сиртки ёвга бас келмоқ осон,
Душманинг ичиндан чиққани ёмон,
Жоҳил бандаларга бўлгин беомон,
Бирор он бепарво бўлма, жон болам!

То улар қилмасин қора ҳаёллар,
Қайта паранжиги қирмас аёллар...
Ўсажақ озодлик эккан ниҳоллар,
Ишон ҳам бепарво бўлма, жон болам!

Болажон, елкангда Ватан хизмати,
Истиклол қисмати, элнинг қисмати,
Ортсин десак ўзбек қадри-қиммати
Ҳеч қачон бепарво бўлма, жон болам!

Оёғи юртим, осмонингда бўлут кўрмасам дейман. Хароратли куёшинг ҳар қандай бўлутни бир зумда парчалаб ташлаш кудратига эга бўлсада, ҳаммаша осмонингнинг мовий денгиз каби тиниқ ва бегубор бўлишини истайман.

ВАТАН ЯГОНА, ВАТАН МУҚАДДАС

Нежабки, табиат сирли, ҳаёт мураккаб экан, баъзан бу ёруғ оламда ўзини ўтга урган парвона мисол шошқич адашган бўлутлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Ҳар қанча уринмасин парвона куйиб қул бўлади. Бесабаб, бемаврид пайдо бўлган бўлутнинг ниҳояси ҳам шундай аянчли яқун топади. Бу ҳаётда исботини толган ҳақиқат.

Бугун она заминимиз, муқаддас тулғимизда юрган шум ниятли ганимларни ўша бўлутга, парвонага ўхшатгим келади. Бу табаррук диёр бошидан не-не қора кунларни кечирмади. Бу ўлкага кимки қурол қўтариб кирган бўлса, барчаси ўша яроқдан ўзи нобуд бўлган. Бунга тарих гувоҳ.

Бугун жойларда — маҳаллаларда бўлиб ўтаётган учрашув ва йиғилишларда озод ва эркин халқ мустақиллигини кўра олмаётган ватанфуршуларнинг кирдикорларига қарши халқ ўз қаҳр-ғазабини билдирмоқда. Барча юртдошларимиз қалбиди «Осойишта ҳаёт кечираётган элимиз тинч-тотувлигига раҳна солаётган бу иблислар қайдан пайдо бўлди? Уларнинг мақсадлари нима ўзи?» деган табиий саволлар турғилмоқда. Барчамизни ўйлантираётган бу саволларга ижобий жавоблар изланмоқда.

Бошқача айтганда, ҳаёт ширин, унда яшамок янада гўзал. Бу бўстонга фақат сара гуллар териш ниятида киришса, баъзида бехосда тиканакка дуч келиб, дилимиз озор топади. Шундай кезларда беихтиёр ҳаёлимизга «Бу бўстонда қақир тиканак нима қилиб юрибди?» деган савол келади. Ўйлай, ўйлай унга жавоб топгандек бўла-миз. Чунки, бу ёруғ оламда яхшилик ва ёмонлик, оқиллик ва нодонлик, садоқат ва қабохат, адолат ва

разолат ёнма-ён экан, гул ҳам тикандан холи бўлмади. Турмуш тажрибасига бой нуроний кексаларимиз: «Кўзингни каттароқ очиб, ҳушёр бўлиб юр, болам» дея бизни қайта-қайта огохлатишларининг боиси ҳам шунда.

Бу юрт элпарвар, тинчликсевар. Халқимиз меҳмондўст, бағри кенг халқ. У ҳаёт инсонга бир марта берилишини яхши билади. Шунинг учун ҳам бутун умри давомида яхши ном қолдиришга ҳаракат қилади. Бугун барчамиз бир овоздан: «Ватанимиз бир қаричи ҳам Ватан, кимки, унга ёмон ният ила тикилар экан, юртсевар халқимиздан ўз жазосини олади», деяётганимизнинг ҳам боиси мана шунда.

Оғир синовларда ҳар қандай халқ, ҳар қандай миллатнинг нималарга қодирлиги, қатъияти ва иродаси яққол намоён бўлади. Юрагиди ўти бор, ориятли баҳодирларимиз ортимизда турганлигини яхши биламиз. Лекин шундай бўлсада, Ватан, эл, юрт туйғусини дилларга жо этиб, шу муқаддас заминнинг тинч ва осойишталиги учун, хонадонларимизнинг янада обод, кўркам бўлиши, унда яшаётган ҳар бир оиланинг ҳаёти бетаъшиш бўлиши учун ўз уйимизни, ўз юртимизни ўзимиз асрашимиз, уни ёмон кўзлардан сақлашимиз лозим бўлади. Илоҳо остонамизга ҳеч қандай шум қадам ораламасан.

Биз учун Ватан ягона, Ватан муқаддас. Ҳар биримиз учун нондек, жондек азиз бу юрт, шу табаррук тулғимизга топтамоқчи бўлганлар ҳеч қачон ниятига етолмайди. Чунки бу юртининг эгаси, эл ишонган фидойи ва жонқуяр Ўйлобчи бор. Эгаси бор юрт эса ҳеч қачон обёкоти бўлмайди.

Махмуд ОРИПОВ.

Маданият

ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИГА АЙЛАНДИ

Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида Мустақиллигимизнинг 13 йиллик байрам тадбирлари қизғин ўтмоқда.

Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам Энг улуг ва энг азиз байрамимиз муносабати билан «Мустақиллик надида-си» мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирда маҳалла оқсоқоллари, маҳалла хотин-қизлар комиссиялари вакиллари ва тумандаги фаоллар иштирок этишди. Унда Ўзбекистон халқ шоирлари Нормурод Нарзуллаев, Жуманиёв Жабборов қатнашиб, йиғилганларни байрам билан қутлаб, Ватан, Мустақилликка бағишланган шеърларидан ўқиб, барчанинг қўлларини хушнуд этишди. Шунингдек тадбирда туман «Мавнавият ва маърифат» марказининг раҳбари Ҳалима Жуманиёзова ҳам дил сўзларини айтиб, мустақил Ўзбекистонга бағишланган шеърларидан ўқиди.

ДИЛДАН КУЙЛАШАДИ

Яққасарой туманидаги Хуршид номи маданият уйи жамоаси Мустақиллигимизнинг 13 йиллик тўйига қизғин хозирлик кўрмоқда.

Маданият уйининг «Файз», «Сабо» эстрада-вокаль гуруҳи аъзолари байрам дастурларини «Мустақил Ўзбекистон», «Жонажон Тошкент», «Ватаним менинг» каби бир қатор янги дилрабо кўшиқлар билан бойитдилар. Раққосалар гуруҳи эса жозибали миллий рақслари билан байрам тадбирларига ўзгача фойз киритдилар.

Маданият уйининг бадий жамоаси байрам арафаларида Яққасарой тумани маҳаллаларида, шунингдек, Мустақиллик байрами кўни Сергели ҳамда Бобур номи маданият ва истироҳат боғларида ўзларининг «Ассалом, Ўзбекистон!» деб номланган дастурларидан ўрин олган шўх-шодон кўшиқлари, ажойиб рақслари билан ҳамшаҳарларимиз қалбига бир олам қувонч бахш этишди.

Машина

УКРАИНАДА ТАҲСИЛ ОЛИШАДИ

Украина — Ўзбекистон ҳамкорлик шартномасига кўра Украинанинг Олий таълим вазирлиги бир неча талабаларни ўқига қабул қилиш учун танлов эълон қилган эди.

Ушбу танловда асосан 5 нафар талаба қатнашиб, улардан 2 нафари — Тошкент тўқимачилик ва ёнги санат институтининг талабалари Баҳром Пулатов ва Фаррух Раҳматуллин ғолиб деб топилдилар. Энди Б. Пулатов Украина Запорожск миллий техника университетида автоматлаштирилган тизимларни ҳисоблаш техникалари дастурлари таъминоти йўналиши бўйича, Ф. Раҳматуллин эса Херсон Давлат технология университетида табиий ва кимёвий тоғаларни йиғириш бўйича ўқини давом эттиришадиган бўлди.

Дилором ИКРОВА

Республика Ички ишлар Вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилишида асосий эътибор мустақиллик шодибеналарининг осойишта ўтишини таъминлашга қаратилди.

ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ УЧУН

чирилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўриломоқда.

Йиғилишда мамлакатимизда олиб борилаётган террор, тозалаш каби тадбирларнинг натижалари қўриб чиқилди. Республикаимизга террорчилик ҳаракатларини содир этиши мумкин бўлган шахсларнинг кириб келишига, қурол-яроғ, ўқ-дори,

портловчи ва заҳарли моддалар, диний экстремистик руҳдаги адабиётлар ва бошқа таъқиқланган буюмларнинг олиб кирилишига йўл қўймаслик учун барча патруль хизмати масканлари, милиция блок постларига қўшимча куч ва воситалар жалб этилиб, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик ўрнатил-

ганлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларига кириш жойларида, аэропортларда, темир йўл ва автобус шўх-шодонликларда назорат текширув тадбирлари кучайтирилди. Шунингдек, йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси, бу борада ички ишлар идоралари олдида турган масалалар ҳам муҳокама қилинди.

А.ГАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс»

КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Ўзбекистон Республикаси Кўчмас мулк биржасининг янги биноси очилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Асқаров мазкур биржа 1994 йилда Президент Ислам Каримов Фармонида мувофиқ, давлат мулкни очик аукцион, танлов ва биржа савдолари орқали сотиш, юртимизда мулкдорлар синфини шакллантириш мақсадида ташкил этилганлигини таъкидлади. Эндilikда биржа мамлакатимизда илчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни, жум-

ладан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг фаол иштирокчисига айланди.

Ўтган йиллар давомида тизимла ташкил этилган очик савдоларда сотилиш баҳоси сақкам 92 миллиард сўмлик қарийб 152 мингга кўчмас мулк сотилди. Саксон мингдан зиёд давлат объекти нодавлат мулк шаклига айлантирилди. Ўтказилаётган савдолар нафақат маҳаллий, балки хорижий сармоядорларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Барча қўлайликларга эга янги бионинг очилиши республика ҳудудиди иш юритаётган брокерларга савдоларда бир

вақтда ва тенг шароитда иштирок этиши учун янада кенг имконият яратлади, — деди Республика кўчмас мулк биржаси бошқаруви раиси А.Имомалиев ўза муҳабирига. — Ахборот марказида ҳар бир мижоз биржага доир барча зарур маълумот ва тушунтиришлар олиши мумкин.

Биржанинг веб-сайти орқали биржа листинги, сотув натижалари, кимовиди савдоларига чиқарилаётган объектлар ҳақида маълумотлар мунтазам равишда бериб борилади. Энди савдо иштирокчилари учун бир жойнинг ўзида воситачилик, брокерлик, дилерлик хизматларидан ташқари, ҳуқуқий ва нотариал, банк, молия, баҳолаш, консалтинг каби ихтисослашган тузилмалар хизмати ҳам кўрсатилади.

ЎЗА

Яккасарой Тошкент шаҳрининг марказий туманларидан бўлиб, Чилонзор, Миробод, Сергели туманлари билан чегарадош. Худудининг умумий майдони 1398 минг квадрат метрни ташкил этади. Кичик сув шохобчаларининг узунлиги 182,9 километр, шундан бетон ариklar узунлиги 110,9 километр, ер ариklarининг узунлиги 65 километр, кувур кўприklarининг узунлиги эса 3,7 километрдан иборат. Туман худудидан Салор, Бўржар, Ракат, Полвон арик Гидроген ариklar оқиб ўтади, бу каналлар дов-дарактларни, гулларни сугоришда кўл келади, ирригация тармоklarини сув билан таъминлайди.

Туманларда

РЕЖАЛАР БАЖАРИЛМОҚДА

Туман ободонлаштириш бошкармаси худудни ободонлаштириш, кўканалзорлаштириш, йўлларни таъмирлаш, санитар тозалаш, ирригация тармоklarини таъмирлаш ва сув билан таъминлаш ишлари билан шуғулланади. 2004 йил баҳорида. Наврўз байрами арафасида 588712 квадрат метр майдондаги майсазорлар тозаланиб, дарактларнинг, кераксиз шохлари буталди, 680 дон арасимон дарактларга ишлов берилди, 124 дон даракт тўнкалари қавлаб олиб ташланди. Сирохиддинов, Фарход, Қунаев, Бобур, Саломатина, Ҳокимият, Усмон Носир, Рашидов, Эртақлар хиебони, Нукус кўчаларига баҳорги мавсумда 380 дон даракт ва буталар, 3200 дон атиргул, 927 дон арча, 100 дон мева кўчалари ва 63041 дон бир йиллик мавсумий гуллар экилди.

Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида тумандаги кўчалар, хиебонлар, гулхоналар, майсазорлар тартибга келтирилмоқда, ариklar чиқиндилардан тозаланмоқда. Ўзги мавсумий гуллар айрим жойларда кузги гулларга алмаштирилмоқда, дарактлар оқланмоқда.

Туманда Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси назоратида 34 та корхона бўлиб, бу корхоналарда табиати муҳофаза қилиш бўйича меъерий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Жорий йилнинг биринчи ярмида режа асосида текширувларни мувофиқлаштирувчи кенгаш рухсатномаси билан 8 та корхона текширилиб, 10 та мансабдор шахсларга жами 101280 сўм миқдорда жарима солинди, жарималар вақтида тўланди.

Корхоналарда

АТМОСФЕРА МУҲОФАЗАСИ АМАЛДА

«Сувасбобускунамаш» хиссадорлик жамияти Бектемир туманидаги йирик корхоналардан бири бўлиб, унинг умумий майдони 6,881 гектарни ташкил қилади. Корхона 179 кишилик жамоага эга.

Унинг асосий иш фаолияти Тошкент шаҳри, умуман республикамизга электр подстанциялар, трейлерлар, экскаватор кабиналари ва халқ хўжалиги моллари етказиб беришдан иборат.

Корхонада табиати муҳофаза қилиш бўйича ишлар яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу ишга сув хўжалиги бўйича бош энергетик К.Солихов ва атмосфера хавосини муҳофаза қилиш бўйича техник муҳандис А.Педройко масъул қилиб тайинланган.

Худудда бир қанча ишлаб чиқариш цехлари ва транспорт цехи бўлган корхона ҳисобида 19 та автотранспорт бор. Шундан ҳозирги кунда 14 тасидан фойдаланилади. Ишлаб чиқаришда корхона худудидagi қудуддан олинadиған сувдан фойдаланилади. «Сувдан махсус фойдаланиш учун рухсат» ҳужжати ишлаб чиқилган бўлиб, Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитасида тасдиқланган.

Олинadиған сув ишлаб чиқаришда ва хўжаликда ишлатилади. Хўжаликда ишлатиш учун сув олдин хлораторда тозаланиб кейин фойдаланилади. Ишлаб чиқаришда эса сув бўйи цехида гидрофилтърларнинг сизимини ишлаб чиқариш чиқиндилари

ри қаторида биринчи тоифали токсик чиқинди—куйган люминисцент лампалар ҳам ҳосил бўлади. Бу лампалар таркибида симоб моддаси бўлиб, қайта ишлашга топширилмай ахлатга ташланса, синдирилса, табиатга катта зарар етказилади. 1 дон лампа синганда ҳосил бўлган симоб газ 25 куб метр ҳавони зарарлайди. Бундан ташқари ер, суви ҳам заҳарлайди ва ён-атрофдаги одамларнинг соғлиғига, яъни ичак органларига салбий таъсир кўрсатади. Люминисцент лампаларни утиллаштириш корхонада яхши йўлга қўйилган. Ҳосил бўлган куйган люминисцент лампалар «Селта» қўшма корхонасига шартнома асосида қайта ишлашга топширилади.

Ҳар қандай корхонанинг ютуқ ва камчиликлари бўлганидек, бу корхонанинг ҳам ўзига яраша муваффақият ва муаммолари мавжуд. Корхонада баъзи ҳолларда транспортларнинг ноҳислиги туфайли транспорт сақланган жойда ерга мой тўкилиши ҳоллари бўлади. Бу эса ер ва ер ости сувларининг зарарланишига олиб келади. Транспортлардан чиқадиган зарарли моддалар ўз вақтида текширилмайди. Бу атмосфера хавосини ифлослантиради.

К.ОРИФЖОНОВ,
Бектемир тумани ноэири

Муҳофаза

МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Республикамизнинг иқтисодий-иқтисодий ривожланишида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишни ташкил этиш, экологик ҳолат барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Халқимизнинг мақсади, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига эришиш. Бу эса иқтисодий, иқтисодий ва экологик омилларга узвий боғлиқдир.

Бу йўлда Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси ўзига ҳос давлат назоратини олиб бермоқда. Бундай текширишлар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгаши томонидан йилнинг ҳар чораи учун тасдиқланган режалар ҳамда мониторинг асосида олиб борилади.

1998 йилдан бошлаб кўмитамиз қошидаги аналитик назоратга иқтисодсизланган бўлим табиий муҳит объектлари устидан (ҳаво, сув ҳавзалари) мониторинг кузатувини йўлга қўйган. Ҳеч мунолафасиз айтиш мумкин, аналитик-назорат ишларини яхши ташкил қилмасдан самарали фаолият кўрсатишни тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирги кунга келиб аналитик-назорат бўлими мутахассислари йилнинг ҳар чораида тасдиқланган режалардан ташқари сув бўйича 5 та ер усти ўзанлари (Салор, Корасув, Қорақаман, Бўзсув каналлари, Чирчиқ, дарёси), 5 та шаҳар сув тозалаш ишхоналари, ҳамда 4 та шаҳар қозонхоналарида атмосферага чиқа-

кати хавфсизлиги хизмати ноэирилари билан бирга ҳамда шаҳримиз кўчаларида шу йилнинг биринчи ярмида 7929 та автотранспорт воситалари текширувдан ўтказилди ва уларнинг 733 тасига керакли чора-тадбирлар қўрилиб, вақтинчалик фаолияти тўхтатилиб қўйилди.

Бугунги кунда инсоният олдидаги муҳим муаммолардан бири—атроф-муҳитни оғир металллар билан ифлосланишдан сақлаб қолишдир. Оғир металллар ва микроорганизмлар орасидаги муносабатларни ўрганиш амалий ва назарий аҳамиятга эга. Бу соҳада «Сорб-тех» ёпик акциядорлик жамияти алоҳида ўринга эга. Ушбу корхонанинг маҳаллий хом ашёдан тайёрланган сорбентлари оқва сувларни нафақат барча оғир металллардан, балки микроорганизмлардан ҳам тозалашга қодирдир. Уларни амалда синаб қўришда кўмитамизнинг аналитик-назоратга иқтисолсанган лабораторияси мутахассислари яқиндан ёрдам берадилар.

Шаҳримиз фуқароларининг ҳар бирини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларига қорлаш ва жалб қилишда барча манфаатдор ташкилотлар кў ва имкониятларини мувофиқлаштириш, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича жадал тарғиботи, экологик таълим-тарбия ишларини олиб боришда, айниқса ёшларимиз орасида «Экология» фанини қўқ улаштиришда аналитик бўлим мутахассислари бир қатор олий ўқув юртлири талабаларига амалиёт машғулотларини ўтказишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Х.САЙДАЛИЕВ,
кўмита лабораторияси бошлиғи


Йил бошидан то шу кунгача аҳоли томонидан биттагина шикоят аризаси тушди ва у ижобий ҳал этилди.

2004 йил учун тумандаги корхона ва ташкилотлар томонидан бажарилиши шарт бўлган 17 банддан иборат 8 миллион 505 минг сўмга мўлжалланган ишлар режалаштирилган. Шу кунгача режадаги асосий ишлар учун 2 миллион 357 минг сўм сарф этилган. Бундан қўтилаётган натижа қуйидагича: атмосфера хавосига чиқарилаётган чиқиндилар миқдорини 13, 153 тоннага камайтириш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 469-сонли қарорига асосан 2004 йилнинг 6 ойи мобайнида тумандаги корхона ва ташкилотлар томонидан 2743 дон ишдан чиққан люминисцент лампалар утиллаштирилиб, уларнинг худудларида ободонлаштириш ишлари олиб борилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги 199-сонли қарорига асосан тумандаги катта ва кичик корхоналар компенсация тўловлари ҳисоботларини бажаришлар.

Шулардан 296 корхона тўловларини қўтида бажарди, тўловлари вақтида тўламаган корхоналарга давво хатлари жўнатилди. 4 та корхона судга берилди.

Р.СУЛТОНОВА,
Г.МУҲАМЕДЖОНОВА,
туман ноэирилари.



№ 8(148) Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитасининг саҳифаси

Мекширқлар

ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси ноэирилари тез-тез жойларда бўлишиб, эерда табиатга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлаётган шахсларни аниқлашиб, уларни қилмишларига яраша турли миқдорда жарималарга тортишди. Қуйида ана шундай жаримачилардан бир нечаси билан танишсанг.

● Назоратчилар «Дўмбоқ жўжалар» хўсусий фирмасида бўлганларида ушбу корхона давлат экологик экспертиза хўласасини олмай туриб иш юритаётганини аниқлашди. Бу ўзбошимчалик корхона раҳбари С.Тошмухамедова ҳамёнига 7000 сўм зарар келтирди.

● «Ўзйўлқурилишмаштаб-мир» корхонасида ёғочни қайта ишлаш дастгоҳлари чанг тозалаш ускунасига ўрнатилмаган ва шунинг натижасида атмосферага зарарли моддалар миқдори ортгани билан чиқарилганлиги аниқланди. Шу сабабли корхона устаси М.Набиев 19590 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

● «Евроазия-фаллер» корхонасида ҳам яроқсиз люминисцент лампаларга ўзлаш вақтида зарарсизлантириш чораларини кўрмаган. Шу сабабли у 6600 сўм жарима тўлади.

● Охунбобоев номли бош кийимлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг етакчи муҳандиси О.Ибрагимов чиқиндиларни нотўғри жойлаштирилганлиги сабабли 6600 сўм жаримата тортилди.

● «Қаҳрамон-Тўра» хўсусий фирмасида сувдан фойдаланиш режалари бузилган. Бу ҳолатга йўл қўйган А.Тўраев 1300 сўм жарима тўлади.

● Биринчи сонли ЭП — корхона бошлиғи Зарипов лозим бўлмаган ерга мазут тўкишга йўл қўйгани ва шунинг оқибатида табиатга зарар етказганлиги сабабли 16500 сўм жаримата тортилди.


Шаҳримизга тоғлардан келадиган сув ҳаётимиз манбаи, ризки-рўзимиз, ноз-неъматларни яратувчи бебаҳо бойлигимиздир. Дарёлар сувининг мўл-кўл бўлишида, шифобахш ҳосиятларида булоқ чашмаларининг аҳамияти катта. Бўстонлик тоғларида 700 дан ортиқ карст булоқларининг табиати ўрганилиб, уларнинг ер сатҳига чиқиш жойларининг карталари тузилган. Бу булоқлар ер ости карст сувларининг турли «погон»-ларига, яъни гидродинамик зоналарига боглик бўлиб, шу зоналардан тўпланади.

Она замин нўғжизанлари

ҚАЙНАР БУЛОҚЛАР

Бўстонлик бўйлаб сайр қилсангиз, турли балангликдан ёки дарё водийларидан қайнаб чиқиб шарқираб оқаётган булоқ сувларига дуч келасиз. Агар сиз шу кўрган булоқларингизни мул-лақ балангликлари бўйича тоғ ёки дарё водийларининг кўнда-ланг кесимига қўйиб чиқсангиз, ушбу булоқлар кўп қаватли булоқлар бўлиб сафланишади.

Бўстонлик булоқлари асосан уч гуруҳга бўлинади. Тоғ ёнба-хирларидан чиқувчи булоқлар худудда энг кўп тарқалган бўлиб, сони ҳиҳатдан биринчи ўринда туради.



Раҳматхон Акматов олган сурат.

КАМЧИЛИКЛАР АНИҚЛАНДИ

Чилонзор туманида жойлашган «Антикор» ишлаб чиқариш бирлашмаси текширишлари мувофиқлаштириш кенгашининг иш жадалига асосан Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш ноэирилари томонидан табиати муҳофаза қилиш фаолияти бўйича текширилди. Текшириш жараёнида корхонанинг асосий иш фаолияти Тошкент шаҳри бўйича қурилиш-монтаж билан шуғулланишдан иборатлиги маълум бўлди.

Ишловчилар сони 113 кишидан иборат. Майдони 0,622 гектар корхона балансида 20 та автотранспорт бор. Автотранспортлар учун шаҳар АЁКШларидан ёқилги олинади.

Текширувда атмосфера хавосига зарарли моддалар чиқариш манбаи рўйхати ишлаб чиқилмаганлиги маълум бўлди. Шунингдек, атмосфера хавосига зарарли моддалар чиқариш рухсатномаси олинмаган. Корхона суви шаҳар «Сувсос» трестидан олинади. Сув асосан ичимлик, кўл ювиш ва санитария ишлари учун ишлатилади.

Сув қувурига сув ўлчаш асбоблари ўрнатилган. Маиший чиқиндилар олиб кетиш бўйича «Махсустрас» корхонаси билан шартнома тузилган. Текшириш жараёнида чиқиндиларни меъерлаш ҳужжати тузилмаганлиги аниқланди.

Корхона Вазирлар Маҳкамасининг 199-сонли қарори бўйича экологик компенсация тўловларини ўз вақтида тўлаган. Автотранспорт воситалари текширилганида битта автомашинада нормадан ортиқча зарарли газ чиқарилаётганлиги маълум бўлди. Бу ўзбошимчалик учун механизация бўлими бошлиғига нисбатан 5500 сўм миқдорда жарима солинди.

Атмосфера хавосига зарарли моддалар чиқариш манбаи рўйхати тузилмаганлиги учун бош муҳандис ҳам 16500 сўм миқдорда жарима тўлайдиган бўлди.

О.ТУРОБОВ,
Давлат ноэири

Пибёзбошларга мансуб икки йиллик сабзавот ўсимлиги бўлган саримсоқнинг асли ватани Тян-Шань тоғларидир. Эндilikда у жаҳон пазандчилигида жуда кенг тарқалган. Чўнки таркибида углеводлар, оксиллар, хўжайи моддаси, ифори мой, дармондорилар ҳамда минерал моддалар кўп. Унда яна фитонцид деган аччиқ модда ҳам бўлганлиги сабабли, бу сабзавотни доривор ўсимликка айланттирдик, айниқса грипп, ўпка касалликлари, ошқозон, ичак, буйрак хасталиклари, йирингли араларни тузатишда халқ табобатида катта аҳамият касб этади.

Шифобахш кетмайлар

САРИМСОҚНИНГ ХОСИЯТИ

Эски йўталларга қилгуси у наф. Агар нонуштада хомини есанг, Кориндаги куртни айлагай

у даф.

Шу қадар фойдали бу неъматни кўпчилик хомлигича ейишни хошламайди. Чўнки унинг ўта қўланса хиди бор ва бир қанча вақт оғиздан буруқсиб туради. Бу эса кишининг ўзигагина эмас, балки ён-атрофдагиларнинг ҳам ғашига тегади. Пиширилган саримсоқнинг хиди анча қирқилса ҳам, барибир батамом йўқолмайди. Масалан, ўзбек пазандчилигида уни лағмон, шўрва, паловга солиб пиши-

рилади.

Саримсоқ хидини пиширганда эмас хомлигида қандай қилиб йўқотиш бир неча асрлардан буюн муаммо бўлиб келади. Жуда кўп уринишлар сира натижа бермади. Япониялик селекционер Цузуки Теки 1950 йилдан бошлаб хидсиз саримсоқ яратиш устида тинмай иш олиб боради. Бу борада у сунъий танлаш методини ҳам қўллади, пибёзгудлошларнинг бошқа турларини билан қатиштириб кўрди, турли хил ўқитлардан фойдаланиб ўстирди, тупроқнинг таркибини ўзгарттирди, вулқоний қулга экиб қўйди ва ҳоказо.

Шарқ дурдоналари

03-03 ЎРГАНИШ
ДОМО БУЛАВ...

● Ёшлигинда шундай яшагингки, кексайиб чорасиз қолганинда бахтли бўл.

● Танинг соғ экан, ҳали кексаймаган экансан, куч-қудратинг бор экан, имкон борида нима-нидир яратишга ҳаракат қил. Уйингни ўт олгандан кейин қудук қазингдан нима фойда?

● Яхши қариялар бор жойда яхши ёшлар етишиб чиқади, улар йўлчи юлдуздек нур сочиб турадилар.

● Кексалик донолик билан уйғунлашиб кетса, азим дарё бўлиб элга хизмат қилади.

● Темир қалъани ёшлар қилич ишлатиб йикитсалар, қариялар фикр билан ағдарадилар.

ХИКОЯТ. Бир ҳақимдан сўрабдилар:

— Сен учун энг улуг киши ким?

— Отам, отамнинг отаси, энг катта бобом, у бобомнинг онаси энг улуг кишилар, улар ҳаёт дарсини ўқиган қариялардир.

Байт:
Бўйин товлама кекса
тадбирдан,
Қарияларда бор
тажриба, фикру фан.

● Меҳнатни севиш, гайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор. Биринчиси, тан саломатлиги, иккинчиси, кўнгли роҳати, учинчиси ақл ва зеҳннинг орттиришидир.

● Бахтиёр бўлишни истасангиз, ҳар бир ишингизни ўз вақтида бажаринг. Бугунги ишни эртага қолдирманг, фурсатни бой берманг.

● Меҳнатни севамаган одам ҳар бир бузуқликни қилишга тайёрдир. Меҳнат инсонга бахт-саодат келтиради. Ялқовлик, ишсизлик фалокат ғирдобига ташлайди.

● Меҳнатинг — зийнатинг.
ХИКОЯТ. Қадимги юнон до-нишмандларидан Афлотун ҳақим айтди:

— Мен фидокорона қилинган меҳнат роҳатини бошқа бирор нарсадан кўрмадим. Вужудимнинг саломатлиги, руҳимнинг саодатини фақат меҳнатдан топдим.

Байт:
Меҳнат ила ҳал
бўладир ҳар мушкул,
Комидил меҳнат
ила бўлмай ҳосил.

● Инсоннинг энг гўзал фази-лати — унинг одобиди. Хусн — хусн эмас, одоб хусн, у ҳеч қачон қаримай абадий ҳузур-ҳаловат бағишлайди.

● Ширин сўз — одобли ки-шининг энг зарур қуролдир. Аччиқ сўзлар айтиб дилларни шикастлаш нодонлик белгиси-дир.

● Одобли инсон дўстликини зардек қадрлайди, зеро, қил ҳар қанча ингичка бўлса ҳам бир-бирига бирикканда филни ҳам банди қилиб қўяди.

ХИКОЯТ. Бир қанча фозил-лар Афлотунга шундай савол бе-ришибдилар:

— Қимматга тезроқ ақл кири-шини истардинг?

— Душманларимга, — дебди у, — ҳаммага маълумки, ақли, одобли одам ёвузликдан қоча-ди. Аҳомакларни эса беаъъни ишдан сира қайтариб бўлмайди.

Байт:
Ақл улуғликка
этади пайванд,
Ақлсизнинг доим
оёғида банд.

БЕЛЬГИЯДАГИ
МУВАФФАҚИЯТЛАР

Бельгиянинг етакчи "De Standaard" фламанд газетаси таниқ-ли мусиқа танқидчиси Ала де Боекнинг Ломмель шахрида ўтқа-зилган "Батуки" фестивалида ўзбек қўшиқчиси Севара Назархон-нинг чиқишига бағишлаб "Марказий Осиёнинг энг яхши қўшиқ-чиси" мақоласини чоп этди. Эътиборингизга ушбу мақоланинг қис-ман қисқартирилган таржимасини ҳавола этмоқдамиз.

Ломмелдаги "Батуки" фе-стивалида ўзбек қўшиқчиси Севара Назархон "дунё му-сиқасининг янги юлдузи" деб эълон қилинди.

26 ёшли Севара ўзи-нинг гўзал овози, улкан та-ланти билан аъёналар ва эс-трада мусиқаси ўртасида "кўприк" қура олди. Севара Бельгиядаги концертда катта маҳорат билан қўшиқ қуйла-ди ва у 2005 йилда яна Бель-гияга келади.

Ломмелдаги мусиқа фести-валида хонанда аксари қўшиқларни Би-Би-Си-3 ра-диостанцияси томонидан "Осиёнинг энг яхши қўшиқ-чиси" номинациясига лойиқ топилган ўзининг "Йўл

бўлсин" қўшиқ альбоми ре-пертуаридан ижро этди.

Севара халқ ва эстрада му-сиқачилиги ўртасида боғла-нишлар яратганидан сўнг унинг ижодида яккахон қўшиқчилик дари бошланди.

У Ўзбекистонда Марказий Осиёнинг бой аъёналарига катта ҳисса қўшаётган эстра-да қўшиқчиси сифатида маш-ҳурдир.

Ломмелда Севара Назархон ўз чиқишини тамбурнинг сер-жило таронаси ижросида "Газ-ли" қўшиғи билан очди. Унинг иккинчи қўшиғи "Ёр-ё" клавишли асбоблар, виолончель ва тамбур жўрлигида ўзига хос аъёнавий фольклор мусиқа муҳитини яратди.

ЎЗБЕКИСТОНГА ЎЗ
ДОИРАСИ БИЛАН

Ўзбек халқининг бой маданий мероси европаликлар қизи-қишини тобора орттириб бормоқда. Ута Шилинг раҳбарлиги-даги "Чилтон" немис фольклор ансамблининг шу йил биринчи сентябрь кунин Ўзбекистонда бошланаётган танишув сафарига бун-га мисол бўла олади. Гурӯҳ аъзолари уч ой давомида А.Қодир-ий номидаги Тошкент давлат маданият институтида малака оширишда.

кин. — Мен Ўзбекистонда кўп бўлганман, — дейди Ута Шилинг. — Ўтган йили ан-самблимиз «Шарқ таронала-ри» фестивалида иштирок этиб, махсус мукофот со-вриндори бўлган эди.

ОНА СУТИ — ЭНГ ЯХШИ ҚАЛҚОН

Республика Миллий матбуот марказида гўдақни она сuti билан боқилиши тарғиб этиш масалалари муҳокамасига бағишланган тадбир ўтказилди.

Соғлиқни сақлаш ва-зирлиги томонидан гўдақ-ни она сuti билан бо-қишни тарғиб этувчи тад-бирлар режаси ишлаб чи-қилган эди. Шунга асосан Педиатрия илмий-текши-риш институти қoшида "Қўқрак сuti билан бо-қиш" республика мар-кази ташкил этилган. Бундай хайрли тадбирни амалга оширишда Соғлиқни сақ-лаш вазирлигини БМТнинг ЮНИСЕФ ха-лқаро ташкилоти ҳам яқиндан қўллаб-қувватла-моқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, қақа-лоқ дунёга келгач, ками-да олти ой кўқрак сuti билан боқилиши шарт. Афсуски, бу кўрсаткич гўдақнинг биринчи ойи-да 90 фоизни ташкил этса, иккинчи ойда 35 фоизга тушиб кетмоқда. Негадир ёш оналар ўз фарзандларини она сuti ўрнини босувчи сут маҳ-сулотлари билан боқиш-га одатланмоқда. Ваҳо-ланки, кўқрак сuti бола-ни соғлом ривожлани-шида муҳим воситалар-

дан бири ҳисобланади. Она сutiнинг инфекци-яларга қарши ноёб ху-су-сияти қақалоқларни тур-ли касалликлардан ҳимоя қилади. Анжуманда болани кўқрак сuti билан бо-қишни рағбатлантириш ва уни тарғиб қилиш со-ғлиқни сақлаш соҳасида-ги муҳим омиллардан бири эканлиги таъкидлан-ди. Тадбир давомида ўрта махсус тиббиёт, билим юр-тларига мўлжалланган китоблар тақдими ҳам бўлиб ўтди.

ДЕҲҚОН МАҲСУЛОТЛАРИ
ЯРМАРКАСИ

Пойтахтнинг Ҳамза туманида Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари-нинг кўргазмаси ўтказилмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил август ойидаги "Тошкент шаҳ-ри аҳолиси ва меҳмонларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъмин-лаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ пойтахтнинг барча туманларида 20 ав-густдан 10 сентябрга қадар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси ўтқа-зилмоқда.

Мамакатимиз мустақиллиги ара-фасида Тошкент шаҳрида вилоятлар де-ҳқон-фермер хўжаликлари маҳсулотла-ри ярмаркасини ташкил этиш аъёна-

га айланган. Ҳар йили вилоятлардаги де-ҳқон-фермерлар ўзлари етиштирган маҳсулотларини пойтахт аҳолисига ет-казиб беради. Бу мавсумда наманганлик деҳқонлар шаҳарликларга 1 минг 600 тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳ-сулотларини етказиб беришни режа-лаштиришган.

Вилоят деҳқон-фермер хўжалик-лари Тошкент шаҳрининг барча туман-лари, аҳоли гавжум жойларда махсус

«Жаҳон» ва «Туркистон-пресс» ахборот агентликлари материаллари асосида тайёрланди.

Бангладеш Шиншу Академияси томонидан ташкил этила-диган аъёнавий 3-Биенел халқаро болалар санъати мусо-бақаси нияҳясига етди. Унинг натижаларига кўра, ҳамюртимиз — 9 ёшли мактаб ўқувчиси Дилноза Холматова ушбу мусобақанинг бронза нишони совриндори бўлди. Шу-нингдек, яна 12 нафар ўзбекистонлик ёш рассом ушбу халқ-аро мусобақанинг фахрий ёрлиқларига сазовор бўлди.

ДИЛНОЗА — БРОНЗА
НИШОНИ СОҲИБАСИ

Ушбу аъёнавий мусобақанинг асосий мақсади бо-лаларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш-дан иборатдир.

1976 йили ўз фаолиятини бошлаган мазкур Академия ҳозирги пайтда Бангладешнинг 64 та туманида ўз бўлим-ларига эга. У 1998 йилдан буён Биенел халқаро болалар расмлари мусобақасини ўтказиб келади. Қабул қилинган тартиб-қоидага мувофиқ, ёш рассомларнинг ижод намуналари уларнинг ёшига қараб (6 ёшдан 18 ёшгача) 6 гуруҳга бўлинган ҳолда кўриб чиқилади.

Мусобақа йўлга қўйилган дастлабки йиллари Биен-ел халқаро болалар расмлари мусобақасида жаҳоннинг 12-16 мамлакати ёш ижодкорлари қатнашган эди. Би-енел халқаро болалар расмларининг ушбу учинчи му-собақасида эса Осиё, Европа, Африка ва Шимолий Американинг 34 мамлакатидан ёш рассомларнинг 14 мингга яқин ижод намуналари кўриб чиқилди. Энди улар орасидан танлаб олинган 658 та расм Биенел му-собақаси кўргазмасида намойиш этилади.

Миллий чолғу асбобла-рининг сир-асрорини ўрга-тадиган, ўзбек мусиқаси ва рақслари аъёналари билан таништирадиган муносиб устозни эса, табиийки, фақат Ўзбекистондан то-пиш мумкин. Шу боис та-ниқли ижрочилар ва ўқитувчиларнинг тажриба-сини ўрганиш, уларнинг маҳорат мактабини ўташ мен ва ансамблимиз ишти-рокчиларига эзгу орзу бўлиб келган.

Янги ўқув йили олдидан пойтахтда-ги Ўрикзор бозорида "Офис-маркет" компанияси мактаб ярмаркаси таш-кил этди.

МАКТАБ
БОЗОРИ

Компания асосан канцелярия маҳсу-лотларини ишлаб чиқаради. Мазкур яр-маркада ота-оналарга қулайлик яратиш мақсадида компания ўқув адабиётлари, мактаб дарсликлари ҳам сотувга қўйди. "Офис-маркет" бундай ярмаркаларни бир неча йилдан буён ташкил этмоқда. Шунинг учун бўлса керак, ярмарка ташкил этил-ган кунданок гавжум бўлди.

— Ҳар йили шу ердан харид қиламиз, — деди мактабга керакли ўқув қуроллари ва жиҳозларини олиш учун келган пар-кентлик Робия опа Махмудова. — Чунки бу маҳсулотлар сифатли, нархлари ҳам бошқа жойларга нисбатан арзонроқ. Энг қувонарлиси, мактаб учун керакли барча нарсаларни бир жойдан олиш имкони яра-тилганида.

Ярмаркага келган хариддорлар маҳсу-лотларнинг сифати ва таннаридан ташқ-ари компания томонидан яратилган қулай-ликларни мамнуният билан эътироф этиш-моқда. Жумладан, маҳсулотларнинг 30-40 фоиз арзонлаштирилганлигидир. Хусус-ан, 4 минг 950 сўмлик папкалар 40 фоиз арзонлаштирилган. Ҳозирда улар 2 минг 950 сўмдан сотилмоқда.

Компания шу ойдаги охириларида "Тад-биркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати, Ўзбекистон либерал-демократик партия-си билан ҳамкорликда бу ерда хайрия тад-бирини ўтказди. Унда Акмал Икромов туманида истикомат қилувчи кам таъмин-ланган оилалар вакилларига ўқув қурол-лари арзонлаштирилган нархда берила-ди. Мазкур мактаб ярмаркаси 15 сентяб-ргача давом этади.

Қаҳ қаҳ

Ҳожибой автобусда кетаётган эди. Қарши-сида барзангидек эри билан ўтирган хушрўйгина жувон унга тикилиб қолди. Қизиқчининг шўхлиги тутиб, мўйловининг бир учини аста қимирлатиб қўйди. Жувон жавоб қилди. Ҳожибой мўйловининг иккинчи учини қимирлатди. Бироқ бу сафар жувоннинг эри пайқаб қолиб, шашт билан ўрнидан турди:

— Ҳов, тирранча, нега ҳадеб хотинимга қараб мўйловингни қимирлатяпсан? Янчиб ташлайми ҳозир!

— Ие, ие, кечирасиз ака, — саросимага тушди қизиқчи. — Мўйловим ўзи шунақа, баъзи-баъзида қимирлаб қолади.

— Ҳали шунақами, ўзича қимирлаб қолади дегин, — кўзининг пахтаси чиқди эрининг. — Қани менга ҳам бир қимирласин-чи!

— Ке-кечирасиз ака, эркақларга... қимирламайди.

Барзанги Ҳожибойнинг тўпалон авжга чиқди. Жувон шунда абжирлик қилиб эрини Ҳожибойдан ажратиб олди:

— Вой, бу йигит ахир ўзимизнинг қизиқчи Ҳожибой Тоживой-ку. Ҳазилашиб қимирлатса қимирлатиб қўйипти-да энди!

Ҳожибойнинг номини эшитган барзанги ҳовридан тушди. Солдадиллик билан нима деди денг:

— Кечирасиз... Мен сизни танимай, рост-камига қимирлатяпти, деб ўйлабман...

Буюк немис шоири Гёте саксон ёшида ҳам очик ҳавода сайр қилишни қанда қилмаган экан. Кунларнинг бирида у котиби Эккерман билан Ваймер хиёбонларидан бирида айланиб юрганида уларнинг олдида бир соҳибжамол қиз ўтиб қолади. Шунда Гёте котибига қараб шундай дейди:

— Эҳ азизим Эккерман, қани энди-шу топда етмиш яшар бўлиб қолсам...

Ёшлар тарбияси, уларнинг маънавий-маданий етуклиги, миллий урф-одатларимизга алоҳида эҳтиром билан ёндашишлари жамиятимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эгадир. Келажак—ёш авлодниқ. Шундай экан, жойларда ёшларнинг тафаккур, дунёқарашларини ривожлантириш ҳамда баркамол авлодни вояга етказиш масалаларига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Август кенгашлари

ТАШАББУСКОР ПЕДАГОГЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

Куни кеча Шайхонтоҳур туманидаги 197-мактабгача таълим муассасасида Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош Бошқармаси Мактабгача таълим бўлими, мактабгача таълим муассасалари мудираларининг

670 нафар малакали, ўз ишининг билимдонлари бўлган мусиқа ўқитувчилари болаларга мусиқа сирларидан таълим бермоқдалар.

Ўтказилган Кенгаш йиғилишида шўьбаларга



ҳамда мусиқа раҳбарларининг Август Кенгаши шўьба йиғилиши ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйилган давлат талабларининг унча йўналишларидан бири болаларнинг маънавий-маданий етуклиги ҳисобланади. Демак, мусиқа раҳбарларининг зиммасига жуда катта масъулият юкланмоқда. Мазкур Август Кенгаши шўьба йиғилишида мактабгача таълим муассасалари мусиқа раҳбарларининг ҳам иштирок этиши бу масалага эътиборнинг кучайиб бораётганлигидан далолатдир.

Ҳозирда шаҳримизда пойтахт Халқ таълими бош бошқармасининг 504 та мактабгача таълим муассасалари жойлашган. Мазкур тарбия масканларида эса



бўлинган ҳолда тренинглари олиб борилди. Мавжуд 7 та шўьба аъзолари «Мактабгача таълим муассасаси мусиқа раҳбарларининг таълим-тарбия жараёнини ёритувчи ҳужжатлардаги қўйилган талаблар ҳамда мусиқа раҳбарлари учун метод бирлашмалари

ни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти», «Мактабгача ёшдаги болаларга ўзбек миллий фольклорини ўргатиш бўйича ишларни ташкил этишда ноанъанавий иш кўринишларидан фойдаланиш», «Мактабгача таълим муассасаларида мусиқавий таълим беришда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳамда мусиқа раҳбарининг тарбиячи билан ҳамкорлиги», «Мактабгача таълим муассасаларида кўнгирчоқ театрини ташкил этишда тарбиячи ва мусиқа раҳбарининг ҳамкорлиги ҳамда болаларнинг ижодий қобилиятларини ўстиришда кўнгирчоқ театрининг ўрни» каби масалалар юзасидан тренинглари олиб боришди.

раётган тарбиячиларимизни ҳам доимо назорат қилиб турамыз,— дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси Мактабгача таълим бўлими бошлиғи Муҳтабар Алимтоева. — Болаларимизнинг қалбига ўзгалликни ҳис қилиш туйғуларини синдиришда, эзгулик уруғларини сочишда сидқидилдан меҳнат қилиб, ўз бурчларини бажараётган энг фаол ва ташаббускорларни эса рағбатлантирамыз.

Дарҳақиқат, биз йил давомида ташаббускор ва энг фаол бўлган Юнусобод туманидаги 304, Шайхонтоҳур туманидаги 197, Яккасарой туманидаги 358, шунингдек, Чилонзор туманидаги 496- мактабгача таълим муассасаларини фахр билан тилга оламиз. У ерда доимий равишда болаларнинг учун турли хил тадбирлар, қизиқарли учрашувлар ўтказиб келинади. Метод бирлашмалари раҳбарлари ўз вазифаларини сидқидилдан бажараётганлари учун рағбатлантирилади.

Кенгашда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқич вазифаларининг бажарилишини таъминлаш, мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйилган давлат талаблари асосида болаларнинг билим, малака ва кўникмаларининг мониторингини олиб бориш каби масалаларни бажаришга келишиб олинди.

Юлдуз УСМОН

СУРАТЛАРДА: Шайхонтоҳур туманидаги 197-мактабгача таълим муассасида ўтказилган тадбирдан лавҳалар.

Замонавий ҳинд модельерлари маҳсулотларига рангларнинг аниқлиги, шакллар бойлиги ва жозибдор соддалик каби хусусиятлар хосдир. Бу кийимларга бутун дунёда талаб катта, улар алоҳида айёмлар учун ҳам, кундалик ҳаётда ҳам ярайди. Мамлакатимиз пойтахти аҳолиси ҳам Ҳиндистоннинг етакчи дизайнерларининг сўнгги тўпламлари билан таниниш имкониятига эга бўлди. «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Ҳиндистон маликаси» моддалар намойиши бўлиб ўтди.

«ҲИНДИСТОН МАЛИКАСИ»

Унда мазкур мамлакат кийим ва тақинчоқлари тарихий тараққиёти кўрсатиб берилди.

Эксклюзив шоу моддалар намойишлари бўйича таниқли агентлик — «Madia Makers» компанияси томонидан Тошкентдаги «Карвон» арт-галереяси мутахассислари билан биргаликда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Ҳиндистон маданий алоқалар кенгаши кўмагида ташкил этилди. Етакчи ўзбек модельерлари, мато ишлаб чиқарувчилар, анъанавий каштачилик ва заргарлик бўйича халқ ус-

талари ҳамда республикамызда фаолият олиб бораётган дипломатик корпус вакиллари, мода санъати ихлосмандлари байрам меҳмонлари бўлишди.

Буюк ипак йўли мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар учун йўл очди ва бу муносабатлар сўнгги вақтда жадал ривожланмоқда, деб таъкидлади Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Шарат Сабхарвал. Икки халқ маданияти, тарихи, анъаналарига қизиқиш катта. Иқтисодий соҳада ҳам ўзаро фойдалани алоқалар кенгаймоқда.

Тақдим этилган моделлар Ҳиндистоннинг машҳур дизайнерлари — Кавита Бхартия ва Сония Жетли томонидан яратилган. Юксак мода оламидаги сўнгги йўналишлар ва миллий анъаналар синтези тўғрисида уларнинг ижоди дунёнинг кўп мамлакатларида тан олинган. Машҳур ҳинд кимчи, Кашир рўмоллари, Бенарес ипаги, нозик жимжимдор тўрлар, қумуш ва тиле кашталар бойлиги байрамдаги анъанавий ва замонавий кийимлар ранглари ни беэади. Томошани мумтоз ҳинд рақс ва мусиқа санъати намуналари, заргарлик буюмлари уйғун равишда тўлдириди.

Бундай ҳинд модаси байрами Марказий Осиёда биринчи марта ташкил этилди.

Кечанинг очилишида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Олимпиада-2004

БАХОДИР — ЯРИМ ФИНАЛДА!

Афина (УзА махсус мухбири Зоҳир Тошхўжаев). Бокс бўйича терма жамоамизнинг энг ёш аъзоси Баҳодир Султонов чорак финалда Канада вакили Андрей Кунерни 44-32 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўланма олди.

Энди Баҳодир финалга чиқиши учун Сидней олимпиада-си ғолиби, жаҳон чемпиони Гилермо Ортис Ригондо (Куба) билан куч синашади.

Байдарка ва каноэда эшак эшиш баҳсларида иштирок этаётган спортчиларимиз 500 метрга ўтказилган пойғаларнинг саралаш босқичидан муваффақиятли ўтди.

Антон Руахов ҳамда иктидорли байдаркачимиз Юлия Борзова ҳам яккалик баҳсларида ярим финалга йўланма олди. Жуфтлик беллашувларида қатнашган Алексей Бобожонов ҳамда Сергей Борзов ярим финалга чиқди.

Спорт

КАРАТЭ
УСТАЛАРИ
БЕЛЛАШДИ

Шахримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида катталар ўртасида каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони беллашувлари бўлиб ўтди.

Албатта, ҳар бир мусобақани ташкил этишдан маълум мақсад кўзда тутилган бўлади. Туртинчи бор катталар ўртасида ўтказилган чемпионат ҳам шу йили Мексикада бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионати олдидан энг кучли спортчиларимизни аниқлаб, терма жамоа таркибини шакллантиришдек хайрли мақсадларни ўйлаган ҳолда уюштирилди.

Жиззах ва Андижон вилоятларидан ташқари Республика-мизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республика-сидан келган каратэчилар якка ката, якка кумитэ ва жамоа катаси йўналишлари бўйича ғолибни аниқлаш учун кураш олиб боришди.

Албатта, шахримиздаги кўплаб каратэ клубларидан иктидорли спортчиларнинг ети-тиш қийаётганлиги чемпионат натижалари орқали яна бир қара ойдинлашди.

Жумладан, ўйил болалар ўртасидаги якка кумитэ баҳсларида пойтахт вакиллари Отабек Қосимов ва Дониёр Қурбоновлар хурмат шоҳуспасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, чемпионат давомидида кўп йиллар каратэни тараққий эттириш йўлида фаолият кўрсатган захматкаш мураббийларга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий», бир қатор иктидорли спортчиларга эса халқаро тоифадаги спорт устаси унвонлари берилди.

Биз моҳир каратэчиларимизга кузги мавсумда ўтказиладиган нуфузли халқаро мусобақалар, жумладан жаҳон чемпионатида омад тилаб қоламиз.

(Уз мухбиримиз)

Айтишларича, бир маротаба юракдан кулган инсоннинг умри бир кунга узаяр экан. Демак ҳар куни инсон кулиб хурсанд бўлиб юрса, унинг умрига кун сайин умр кўшилиб боради. Кулиб юрган киши ҳеч қачон қаримайди, унинг кул-ғуси барча учун кўнгил озукасидир. Аксинча, юзи тўнд одам ўзини ҳам, ёнидагиларнинг ҳам дилини хуфтон қилиши тайин.

КУЛГИ —
ЧЕХРАНИНГ ГУЛИ

Маълумки, халқимиз азалдан кул-гу шинавандасидир. Пайровларни чуқур идрок эта олган, сўз уйинларини дилдан тушуна олган ота-боболаримиздан мерос аския, латифа, қизиқчилик санъати бугун кунда тобора сайқаллашиб бормоқда. Бу санъатни дилдан-дилга, тилдан-тилга кўчириб келаётган аскиячиларимиз, қизиқчиларимиз эса элимиз ардоғидадир.

Ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этиладиган «Келинг, кулинг, умрингиз узоқ бўлсин!» номли аския кечаси бу йил ҳам Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги ҳамда Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб ўтказилди.

Ғафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган ушбу кулги кечаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, машҳур аскиячи Жўраҳон Пўлатов таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан эъзоз даврасига улашиб кетди.

Боққа йиғилган кулгисевар ҳамшаҳарларимиз ранг-баранг пайровлари билан донг таратган қўқонлик аскиячилар Жўраҳон Пўлатов, Нейматжон Тошматов, ёш, иқтидорли аскиячи Муроджон Тошматов, шунингдек, машҳур қизиқчи ва аскиячи Муҳиддин Дарвешов номи-

даги «Хангома» қизиқчилар театр жамоасининг ажойиб чиқишларидан баҳраманд бўлишди.

Кулгу байрамига Ўзбекистон халқ ҳофиси Маҳмуджон Тожибоев, хушовоз хонанда Жаҳонгир Мирзасевнинг дилторлар қўшиқлари ҳамда «Улуғбек юлдузлари» бадиий жамоасининг мумтоз навалари янада шуқуқ бағишлади.

— Чилонзор тумани ҳокимлиги, туман маданият ишлари бўлими, Ғафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамкорлигида ўтказилган ушбу анъанавий кулгу байрамига водийлик машҳур аскиячиларнинг ташриф буюриши ҳамшаҳарларимизни жуда хушнуд этди, — дейди жумладан Ўзбекистон Давлат консерваторияси доценти Рустам Хўжаев. — Кулгу — чехранинг гули, у кўнгилларни кўнгилларга яқин-



лаштиради, дилларни губорлардан аритида. Буни яхши англаган кулгисеварларнинг барчаси бугун шу ерга тўпланишган. Уларга бу кечанинг жуда маъқул бўлганини эса кўзларидаги қувончдан билса бўлади.

Орзуғул РУСТАМОВА.
СУРАТЛАРДА: аския кечасидан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов
олган суратлар.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНИЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНИЛАР

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаҳонлар!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ
БИРЖА МАРКАЗИ»

Сизларни биржа савдоларига таклиф этади.
БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:

• Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси. Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм;

• Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйда жойлашган, майдони 84 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 2 939 110 сўм;

• Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 6-уйда жойлашган, майдони 60,7 кв.метр бўлган бино қисми; бошланғич нархи — 2 540 396 сўм;

• Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кири тор кўчаси, 34-уйда жойлашган, майдони 1473 кв.метр бўлган бино. Бошланғич нархи — 48 648 225 сўм;

• Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида жойлашган «Олой» бозори асосий биноси фойесининг майдони 16,5 кв.метрга тенг бўлган 19-қисми. Бошланғич нархи — 5 775 000 сўм;

• Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Ҳ.Олимжон» майдони, фарбий томонида жойлашган «Пой-

тахт бизнес мажмуаси» биноси-нинг 1-қаватидаги, майдони 16 кв. метрга тенг бўлган қисми (Ц-блок) Бошланғич нархи — 5 841 600 сўм;

• «Руслан Шамшади» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйдаги станоклар:

— Станок СМЖ-357. Бошланғич нархи — 1 400 221 сўм;

— 1Г 340 П револьверли токарлик дастгоҳи. Бошланғич нархи — 5 338 396 сўм.

Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган «Автоматон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги, майдони 18 кв.метрга тенг бўлган дўконлар сотилмоқда. Ҳар бир дўконнинг бошланғич нархи 3 000 000 сўм.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунидида соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.

www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳужум — 2 босма таъриф офсет усулида
босилади.
2812 нускада босилади. Қўғоз бепури А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсатқичи — 563

Нашри етказиб берил масаллари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларида ёки «Тошкент почтатинга» — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-нашрос оқимдорлик компанияси бошқаруви.
Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.